

ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ

2022 й. «13» 5

2022-468-2-33-ТВ-сон

_____ ш.

«**Muxammedov-Radjabov**» МЧЖ (кейинги ўринларда «Пудратчи» деб юритилади) номидан ўзининг устави асосида иш юритувчи раҳбари **Ш.Сафаров** тимсолида, бир томондан ва **Вобкент туман Тиббиет бирлашмаси**, номидан ўзининг низоми (низоми, устави, ишончнома) асосида иш юритувчи раҳбари **Ш.Ражабов** тимсолида, иккинчи томондан мазкур шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар.

1. ШАРТНОМАНИНГ ПРЕДМЕТИ

1.1. Ушбу шартнома буйича «Пудратчи» «Буюртмачи»нинг буюртмасига ва тузилган смета лойиха ҳужжатлари асосида Вобкент туман Вобкент ТТБ га қарашли **Д.Бобоқулов ОШП** биносини жорий тамирлаш ишларини бажаришни, «Буюртмачи» эса бажарилган ишларни қабул қилиб олишни ҳамда тўловни амалга оширишни ўз зиммаларига оладилар.

Ушбу шартноманинг умумий суммаси тузилган смета лойиха ҳужжатларидан келиб чикиб 244 512 000 ташкил этади.

2. ШАРТНОМА БУЙИЧА КЕЛИШУВ НАРХЛАР

2.1. «Буюртмачи» томонидан тақдим» қилинган ҳужжатларга асосан тамирлаш ишларининг қиймати **244 512 000** сўмни ташкил қилади.

2.2. Тамирлаш ишларининг бошланиши « **13** » май 2022 йил.

2.3. Тамирлаш ишларининг тугаши вақти « **11** » июн 2022 йил.

3. ТАЪМИРЛАШ ИШЛАРИНИ БОШЛАШ, БАЖАРИШ ВА ТУГАТИШ БУЙИЧА ШАРТНОМАВИЙ МУДДАТЛАР

3.1. Тамирлаш ишларини бажариш муддати мазкур шартноманинг 2.3. бандида кўрсатилган муддатгача амалга оширилади.

3.2. Шартномадаги 4.1 бандида курсатилган авансни «Пудратчи» олгандан сунг тамирлаш ишларини бошлайди. 2.3 Узбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамаси 22 апрел 2021 йилдаги 684-сонли қарорига асосан бюджетдан маблағ олувчиларнинг бюджет маблағлари ҳисобига тузиладиган шартномаларида, коидага кура, 30 фоиз миқдорида олдиндан ҳақ тулаш назарда тутилган

3.3. «Буюртмачи» томонидан тамирлаш ишларини бажариш даврида «Пудратчи»га узи томонидан харид қилинган тамирлаш материалларини тақдим қилиши мумкин.

3.4. Тамирлашни тухтаб қолганлиги учун сабабчи бўлган томон бунинг оқибатида келиб чиқадиган ҳар қандай камомад ёки жавобгарликни ўз зиммасига олади.

3.5. Тамирлашни тугаллаб фойдаланишга топшириш учун тузилган комиссия далолатномаси тасдиқлангандан сунг тамирлаш ишлари тамом бўлган деб ҳисобланади.

4. ТЎЛОВ ШАРТИ ВА ТАРТИБИ

4.1. Ушбу шартноманинг умумий нархи 244 512 000 Икки юз қирқ тўрт миллион беш юз ўн икки минг сўмни ташкил этади. «Буюртмачи» тамирлаш ишларини бошлаш учун «Пудратчи»га тузиладиган дастлабки қўшимча шартнома нархининг 30 % 73 353 600 сум миқдорда олдиндан тўлайди ва бу олдиндан тўлов 2022 йилнинг май ойида амалга оширилади. «Буюртмачи» томонидан якуний тўлов «Пудратчи» ишлар бажарилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар тақдим қилингандан сўнг амалга оширилади. Якуний туловнинг миқдори 171 158 400 сумни, яъни келишилган сумманинг 70% фоизини ташкил этади ва бу якуний тулов 2022 йил 31 декабр гача амалга оширилади.

4.2. «Буюртмачи» тўловни пул ўтказиш йули билан амалга оширади.

4.3. «Пудрат» ташкилоти томонидан шартномада кўрсатилган суммадан ошикча бажарилган ишлар учун «Буюртмачи» томонидан тўловлар амалга оширилмайди.

4.4. «Буюртмачи» тўловни пул ўтказиш йули билан амалга оширади.

4.5. «Пудрат» ташкилоти томонидан шартномада кўрсатилган суммадан ошикча бажарилган ишлар учун «Буюртмачи» томонидан тўловлар амалга оширилмайди.

5. ПУДРАТЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

5.1. Шартнома баҳоси 244 512 000 Икки юз қирқ тўрт миллион беш юз ўн икки минг сўм бўлган тамирлаш ишлари юкорида келишилган муддатда тугатиш ва фойдаланишга топшириш.

5.2. Махсус таъмирлаш ишларини бажариш учун махсус ёлланма пудратчи ташкилотларни жалб қилади.
5.3. Ҳар ҳафтанинг душанба кунинда жорий ҳафтада бажарилган таъмирлаш монтаж ишлари тўғрисидаги тегишли ҳужжатларни «Буюртмачи»га тақдим қилиши шарт. Агар таъмирлаш мазкур шартномада кўрсатилган

муддатда пудратчининг айби билан фойдаланишга топширилмаса, у ҳолда буюртмачига қуйидаги тартибда жарима тўлайди:

Буюртмачи томонидан объектни уз вақтида ишга тушириш буйича мажбуриятлар бузилган бўлса Пудратчи Буюртмачига муддати утказиб борилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,2 фоизи миқдоринда пеня тулайди, бироқ пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки курсатилмаган хизматлар қийматининг 30 фоизидан ошмаслиги лозим.

Жарима санкцияси буюртмачи томонидан билдирилган ёзма равишдаги даъводан кейин 10 кун муддат мобайнида тўланиши шарт.

5.4. Пудратчи шартномада назарда тутилган маблағ доирасида ишларни бажаради ва шунга мувофиқ бажарилган ишлар тугрисида 2-сонли далолатномани тузади.

6. БУЮРТМАЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

6.1. Шартномада курсатилган 4.1. ва 4.2. бандлари бузилса, «Буюртмачи» махсус ҳисоб-рақамидан ҳар бир кечиктирилган кун учун шартноманинг туланмаган нарҳини 0,04% миқдоринда «Пудратчига» жарима тўлайди.

6.2. «Буюртмачи» таъмирлаш ишларини ўз вақтида белгиланган стандартларга ва амалдаги қонунчиликка асосан қабул қилиб олади.

6.3. «Буюртмачи» тасдиқланган сметасига мувофиқ бюджетда назарда тутилган маблағ доирасида шартнома тузади ва шартнома суммасига мувофиқ 2-сонли далолатномани «Пудратчи» билан биргаликда тузади

7. ТОМОНЛАР ЎРТАСИДА ШАРТНОМАВИЙ НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ

7.1. Барча ишлар тулик ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини; лойиха ҳужжатларига ҳамда қурилиш меъёрлари, қоидалари ва техника шартларига мувофиқ барча ишларини бажариш сифатини;

уз томонидан қурилиш (таъмирлаш) учун қулланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, қонсрукция ва тизимлар сифатини уларнинг лойиха ҳужжатларида курсатилган сертификацияларига, давлат стандартларига ҳамда техник шартларга мувофиқлигини;

ишларни қабул қилиш ва фойдаланиш қафолатли даври аниланган қамчиликлар ва нуқсонларни уз вақтида бартараф қилишини;

объектдан фойдаланганда муҳандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш қоидаларига мувофиқлигини қафолатлайди.

Объект ва унга қирадиган муҳандислик тизимлари, асбоб-ускуналар, материаллардан фойдаланиш ва ишларнинг қафолатли муддати томонлар қурилиши тугалланган объектни қабул қилиш олиш тугрисидаги далолатномани имзолаган кундан 2022 йил 31 декабр кунига қадар этиб белгиланади.

Агар объектдан фойдаланишнинг қафолатли даврида аниқланиб, 3 улар бартараф этилгунга қадар фойдаланишни давом эттириш имконини бермайдиган нуқсонлар аниқланса, у ҳолда қафолат муддати нуқсонларни бартараф этиш даврида узайтирилади. Нуқсонлар Пудратчи томонидан унинг уз ҳисобидан бартараф этилади.

Мавжуд нуқсонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномаси қайд этилади.

Агар Пудратчи белгиланган ишлардаги нуқсонлар ва чала ишларни, қамчиликларни далолатномада курсатилган муддат ичида бартараф этмаса, у ҳолда Буюртмачи мазкур шартноманинг 4- бўлимида назарда тутилган қафолат суммасини Пудратчидан ушлаб қолиш ҳуқуқига эга.

Пудратчи нуқсонлар ва чала ишлар курсатилган далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош тортган тақдирда, уларни текшириб чиқиш «Давархитектқурилиш назорат» органлари томонидан амалга оширилади, бу томонларнинг ушбу масала буйича иқтисодий судига мурожаат қилишини истисно этмайди.

7.2 Ушбу шартнома асосида қелиб чиқадиган ҳар қандай низолар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчиликлари талабларига асосан иқтисодий судларида ҳал этилади.

8. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

8.1. Мазкур шартнома **2022 йил «13» майдан 2022 йил «31» декабргача** амалда булади.

8.2. Мазкур шартнома икки нусхада тузилиб, бир хил юридик кучга эга булиб ҳисобланади ва томонларнинг ҳар бири учун бир нусхадан берилади.

9. ШАРТНОМАНИНГ ҚОНУНИЙ КУЧГА КИРИШИ

9.1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28 февралдаги 594-сонли қарорининг 6-бандига асосан бюджет ташкилотларининг товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб берувчилар билан шартномалари, шунингдек бюртмачиларнинг Давлат бюджети маблағлари ҳисобига капитал курилишиги оид шартномалари мажбурий тартибда Газначиликда руйхатга олиниши шартлиги ва факат у амалга оширилгандан кейин кучга кириши назарда тутилган

10. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

«ПУДРАТЧИ»

«БУЮРТМАЧИ»

“Muxammedov-Radjabov” МЧЖ

(Товар етказиб берувчи ёки хизмат кўрсатувчининг номи)

Вобкент туман Тиббиёт бирлашмаси

(бюджетдан маблағ олувчи ташкилотнинг номи)

Манзил: Бухоро т, Откучи МФЙ

Манзил: Вобкент ш. Тадбиркорлар №50А

Тел./факс: 91 977 04 04

х/в: 20208000105071950001

Тел./факс: 33-21-570

ш/хв*:

Банк номи: Ипотекабанк Сардор ф-л

МФО: 00119 СТИР: 306394004

бюджетдан маблағ олувчи СТИРи: 201408290

ОКОНХ: 91500

Газначилик бўлинмаси номи: Вобкент тумани

бўйича Газначилик булинмаси

Ғазна х/в: 23 402 000 300 100 001 010

Банкнинг номи: Марказий банк Тошкент шаҳри

МФО: 00014

Газначилик бўлинмаси СТИРи: 201 122 919

Раҳбар:

Ш.Ражабов

Раҳбар : Ш.Сафаров

(Ф.И.Ш.)



(имзо)



(имзо)



**Yuridik ahamiyatga ega hujjatlarning qonun hujjatlariga muvofiqligi
to'g'risida huquqiy xulosa**

1. Loyihaning turi: Shartnoma

2. Loyihaning nomi

Vobkent tuman Tibbiyot birlashmasi va Muxammedov-Radjabov MCHJ o'rtasida tuzilgan 244.512.000 so'mlik pudrat shartnomasi.


3. Loyiha ishlab chiqaruvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot.

Mazkur shartnoma Vobkent tuman Tibbiyot birlashmasi tomonidan ishlab chiqilgan va 13.05.2022 yilda markazga taqdim etilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni tuzish maqsadga muvofiq.

Markaz boshlig'i

13.05.2022 yil.



N.Sharipov